

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМИДУЛЛАЕВ ТОХИР ХАМИДУЛЛА ЎҒЛИ

**ЭКОЛОГО-ГЕОГРАФИК УЗОҚ ДУРАГАЙЛАШ АСОСИДА ҒЎЗА
СЕЛЕКЦИЯСИ УЧУН БОШЛАНҒИЧ АШЁ ЯРАТИШ**

06.01.05 - Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Ҳамидуллаев Тохир Ҳамидулла ўғли

Эколого-географик узок дурагайлаш асосида ғўза селекцияси учун
бошланғич ашё яратиш 3

Ҳамидуллаев Тохир Ҳамидулла угли

Создание исходного материала на основе отдаленной эколого-
географической гибридизации для селекции хлопчатника 21

Khamidullayev Tokhir Khamidulla o'gli

Developing of an initial material for cotton breeding by ecological-
geografically distant hybridization..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМИДУЛЛАЕВ ТОХИР ХАМИДУЛЛА ЎҒЛИ

**ЭКОЛОГО-ГЕОГРАФИК УЗОҚ ДУРАГАЙЛАШ АСОСИДА ҒЎЗА
СЕЛЕКЦИЯСИ УЧУН БОШЛАНҒИЧ АШЁ ЯРАТИШ**

06.01.05 - Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мазмунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Qx411 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Давлат аграр университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Намазов Шадман Эргашович қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Мамарахимов Бунёд Ибраҳимович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Рашидова Дилбар Каримовна қишлоқ хўжалик фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 28 » январ соат 13³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (542204 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (99871 260-50-43).

Диссертация автореферати 2021 йил « 15 » январ кунини тарқатилди.
(2020 йил « 26 » ноябрдаги 05.1 рақамли реестр баённомаси).



Б.А.Сулаймонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кейгиш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х.Юлдашев
Илмий даражалар берувчи илмий
кейгиш раиси, к.х.ф.и., профессор

Э.Т.Бердиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кейгиш қoшидаги илмий семинар
раиси, к.х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг пахта етиштириш билан шуғулланаётган 100 дан ортиқ¹ давлатлари орасида Ўзбекистон ғўза майдони бўйича 6-ўрин, ўртача тола ҳосилдорлиги бўйича эса, 10-ўринда (0,75 т./га.) жойлашган². Қимматли-хўжалик белгилар мажмуасига эга бўлган ва ҳозирги даврда ишлаб чиқаришда экилаётган аксарият ғўза навлари генетик жиҳатдан яқин бўлган навларни ўзаро чатиштириш орқали яратилган бўлиб, ушбу навлар айрим қимматли-хўжалик белгилари бўйича ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шунинг учун, селекционерлардан турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштиришга мос, тезпишар, тола ҳосили ва сифати юқори ҳамда касаллик ва зараркунандаларга бардошли янги ғўза навларини яратишдек долзарб муаммони ҳал этишни талаб этади.

Дунёнинг етакчи USDA-ARS, Crop Germplasm Unit, Central Institute for Cotton Research илмий-тадқиқот марказларида ғўза коллекциясидаги маданий *G.hirsutum* L., *G.barbadense* L. ҳамда ёввойи, ярим ёввойи турларнинг генетик потенциалидан кенг фойдаланиш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида ижобий генлар мажмуасига эга бўлган янги донорлар ажратиб олинган. Ҳозирги кунда коллекцион намуналарни дурагайлашга жалб этиш асосида генетик жиҳатдан бойитилган селекцион манбаъларни тадқиқ этиш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш бўйича кенг камровли ислохотлар олиб борилиб, ғўза экин майдонларини кенгайтирмасдан ҳосилдорликни сақлаб қолиш вазифаси долзарблигича қолмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3-устувор йўналишида белгиланган «юқори маҳсулдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш» вазифаси билан қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган³.

Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сонли «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281-сонли «Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур

¹Cotton: Tecnology for 21st Century, 2010

²FAS/USDA, Global Market Analysis, 2020

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўзада эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайлаш юзасидан Г.С.Зайцев, S.C.Harland, Ф.М.Мауер, J.B.Hutchinson, Д.В.Тер-Аванесян, А.А.Абдуллаев, С.М.Мирахмедов, А.А.Абдуллаев, К.К.Лемешев, Ю.Ф.Узаков, А.Эгамбердиев, Х.Сайдалиев, В.М.Бочарова, А.А.Абдуллаев, С.М.Мирахмедов ва бошқ., В.Автономов, О.Х.Кимсанбоев, П.Ш.Ибрагимов, В.А.Автономов, Ш.Э.Намазовлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Изланишлар натижасида серҳосил, тезпишар, юқори тола чиқими ва сифатига эга вилт ва турли қишлоқ хўжалик зараркунандаларига, курғоқчиликка бардошли бир қатор ғўза навлари яратилган. ПСУЕАИТИ «Ғўза генетикаси ва цитологияси» лабораториясида ҳам узоқ йиллардан бери ушбу йўналишда изланишлар олиб борилиб, ўзида қимматли хўжалик белгиларни мужассамлаштирган бир қатор селекцион ашёлар яратилган. Изланишлар натижасида яратилган ғўзанинг генетик жиҳатдан фарқланувчи экологик узоқ дурагайлари ҳозирги пайтда генетик изланишларда ҳамда селекция жараёнлари учун бошланғич ашё яратишда кенг қўлланиб келинмоқда. Жумладан, 2009 йилда АҚШ дан бир қатор генетик келиб чиқиши турлича бўлган ғўза намуналари келтирилиб, ушбу намуналарни маҳаллий навлар билан чатиштириш асосида янги дурагайлар яратилган. Ушбу дурагайларда асосий хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини таққослаб ўрганиш асосида амалий селекция учун қимматли бошланғич ашё яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро чатиштириш орқали дурагай популяцияларда хўжалик учун қимматли белгилар бўйича кенг ўзгарувчанликка эришиш ҳамда уларнинг юқори даражадаги ижобий мажмуасига эга бўлган ашёларни яратиш ғўза селекциясида долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА 8-119 «Чигитида (+)-госсиполи миқдори ва хўжалик учун қимматли белгиларнинг юқори кўрсаткичларига эга, касаллик ва зараркунандаларга мажмуавий чидамли бўлган ғўза навини яратиш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қуйидагилардан иборат: ғўзанинг генетик жиҳатдан фарқланувчи экологик узоқ ва турлараро дурагайларида айрим қимматли хўжалик белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланишини ўрганиш асосида амалий селекция жараёни учун генетик жиҳатдан бойитилган бошланғич ашёларни яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро чатиштириш орқали яратилган F_1 ғўза дурагайларида асосий хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиш даражасини аниқлаш;

эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро чатиштириш усуллари орқали яратилган F_2 - F_3 дурагайларида айрим хўжалик учун қимматли белгиларнинг ўзгарувчанлигини аниқлаш;

генетик жиҳатдан фарқланувчи экологик узоқ ва турлараро ғўза дурагайларида айрим қимматли хўжалик белгиларнинг ўзаро коррелятив боғлиқлигини аниқлаш;

қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуига эга бўлган янги бошланғич ашёларни ажратиб олиш ҳамда уларни ғўза генетикаси ва селекцияси бўйича тадқиқотларга тавсия этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб маҳаллий С-6524, Наманган-77, *G.barbadense* L. турига мансуб маҳаллий Сурхон-14 навлари ва АҚШ дан келтирилган генетик жиҳатдан фарқланувчи эколого-географик узоқ Raider-276, Lonren-1, Line-45-2-1-2-37 намуналари ҳамда улар иштирокида яратилган дурагайлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг предмети ғўза селекциясида эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайлаш усуллари қўллаш орқали генетик жиҳатдан бойитилган белги ва хусусиятларга эга қимматли рекомбинантлар, оилалар ва тизмаларни яратиш, хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, шаклланиши ҳамда белгилар бўйича трансгрессия жараёнини аниқлаш ва айрим хўжалик белгилари орасидаги коррелятив боғлиқликларни аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайлаш, фенологик кузатувлар, вилтга бардошлилик, танлов ишлари, намунавий теримлар олиб бориш, математик, вариацион ва коррелятив таҳлил усулларидан фойдаланилган. Толанинг сифат кўрсаткичлари Республика “Сифат” марказида замонавий HVI қурилмасида аниқланган. Барча математик ва статистик таҳлиллар MS Excel дастури ҳамда Б. А. Доспехов услублари асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Илк маротаба янги генетик асосга эга бўлган АҚШ ғўза намуналари ҳамда *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турларига мансуб маҳаллий навлар иштирокида яратилган эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайларида асосий хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги қиёсий таҳлил қилинган;

дурагайлашда иштирок этган бошланғич ашёларнинг генотипига боғлиқ

равишда F_1 дурагайларида ўрганилган хўжалик учун қимматли белгиларнинг салбий ва ижобий оралик, гетерозис ва тўлиқ доминант тарзда ирсийланиши аниқланган;

эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайлашларда қимматли хўжалик белгиларнинг яхшиланиши ота-она генотипига ҳамда қўлланилган усулларга боғлиқ равишда шаклланиши илмий асосланган;

эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайлаш усулларини қўллаш орқали тезпишар, вилтга бардошли, толасининг сифат кўрсаткичлари нисбатан юқори бўлган селекцион ашёлар яратилган;

ғўза селекциясида эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайлаш орқали хўжалик учун қимматли белгилар ўртасида намоён бўладиган айрим салбий коррелятив боғлиқликларни бартараф этиш ҳамда уларнинг юқори ижобий мажмуасига эга ашёлар ажратиб олиш тасдиқланган;

ишлаб чиқариш талабларига мос бўлган янги «Рақобат» ғўза нави яратилган ва нав синаш комиссиясига тақдим этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайларнинг юқори авлодларидан танлаш орқали генетик жиҳатдан бойитилган тезпишар, маҳсулдор, тола чиқими ва сифати ҳамда 1000 дона чигит вазни каби белгиларнинг юқори даражадаги ижобий мажмуасига эга ғўза оилалари ва тизмалари ажратиб олинишига эришилган;

эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайлаш асосида ҳосилдор, вертицеллёз вилт касаллигига бардошли, тола чиқими ҳамда сифати юқори бўлган Т-240/41, Т-391/92 тизмалари ва янги «Рақобат» ғўза нави яратилган ҳамда бошланғич ашё сифатида амалий селекция жараёнига тавсия этилишига эришилган;

ишлаб чиқариш талабларига мос бўлган янги «Рақобат» ғўза нави Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг грунтназоратига тақдим этилишига эришилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, услубий жиҳатдан тўғрилиги, оилалар яратилишида қўлланилган эколого-географик узоқ дурагайлаш усули ва дала тажрибаларини замонавий ва классик усулларга мослиги, олинган натижаларни назарий маълумотлар билан тасдиқланганлиги, экспериментал маълумотларни статистик усуллар билан қайта ишланганлиги, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулосаларнинг илмий асосланганлиги, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрта толали ғўза навлари селекциясида турли генотипга эга ғўза навлари иштирокида эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайлаш усулларининг қимматли хўжалик белгилари бўйича ижобий рекомбинант ўсимликларни танлаб олишда самараси юқорилиги тасдиқланганлиги, бошланғич ашёларнинг генотипига ҳамда

қўлланилган усулларга боғлиқ равишда белгиларнинг шаклланиш қонуниятлари илмий асослаб берилганлиги билан белгиланади. Эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайлаш усуллари орқали хўжалик учун қимматли белгилар ўртасидаги айрим салбий коррелятив боғлиқликларни бартараф этиш ҳамда хўжалик учун қимматли белгиларнинг юқори даражадаги ижобий мажмуасига эга бошланғич ашёлар ва донорлар ажратиб олиш имкониятлари очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайлаш усуллари орқали аксарият қимматли хўжалик белгилари бўйича андоза навлардан устунликка эга бўлган янги Т-240/41, Т-391/92 ғўза тизмалари ва «Рақобат» навининг яратилганлиги ҳамда уларни амалий селекция жараёнларида қўллаш учун тавсия этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта толали ғўза навлари селекциясида эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайлашнинг самарадорлиги бўйича олинган натижалар асосида:

эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайлаш усуллари қўллаш орқали андоза С-6524 навига нисбатан вертициллёз вилт (*V.dahliae* Kleb.) га бардошли, бир дона кўсакдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни ва тола чиқими юқори бўлган Т-240/41 ва Т-391/92 янги ғўза тизмалари ПСУЕАИТИнинг эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайлаш дастурига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги 02/020-4510-сон маълумотномаси). Натижада қимматли хўжалик белгилари мажмуига эга бўлган янги тизмалар селекция жараёнларида бошланғич ашё сифатида фойдаланмоқда;

ғўзанинг ишлаб-чиқариш талабларига мос, вертициллёз вилт касаллигига бардошли, тезпишар, ҳосилдорлиги, тола чиқими ва технологик кўрсаткичлари юқори бўлган янги «Рақобат» нави яратилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги 02/020-4510-сон маълумотномаси). Натижада ушбу янги ғўза нави бўйича Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг марказий тажриба хўжалигида 0,6 га майдонда бирламчи уруғлик кўчатзорлари ташкил этилган;

ишлаб-чиқариш шароитида олиб борилган тадқиқотлар асосида яратилган янги «Рақобат» ғўза нави Тошкент вилояти Пискент ва Бўка туманида 5,4 гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги 02/020-4510-сон маълумотномаси). Натижада ушбу навни етиштириш орқали андоза навга нисбатан 2,5-4,0% юқори тола чиқими олинган, умумий пахта ҳосилдорлиги 4,2-6,7 ц/га юқори бўлган, рентабеллик даражаси 27,5-32,0 фоизга ошишига ҳамда айрим касалликлар ва зараркунандаларга бардошлилиги бўйича юқори иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари

4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий мақола чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган бўлиб, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий ва амалий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайлаш асосида ғўза селекцияси учун бошланғич ашё яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича республика ва хорижда фаолият кўрсатган олимларнинг янги ва нисбатан бой ирсиятга эга тизмалар ва навларни эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайлашга жалб этиш асосида хўжалик учун қимматли белгилар, жумладан турли абиотик ва биотик омилларга бардошли, маҳсулдор, юқори тола сифати ва чиқимини ўзида мужассамлаштирган бошланғич ашёлар, донорлар ҳамда навларни яратиш имкониятлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлил этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган жой, унинг шароити, манбаи ва услублар**» деб номланган иккинчи бобида Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида олиб борилганлиги, фойдаланилган тадқиқот материали, услублари ва шароитлари баён қилинган.

Бошланғич ашё сифатида ғўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб С-6524 Наманган-77, *G.barbadense* L. турига мансуб Сурхон-14 навлари ва АҚШ дан келтирилган генетик жиҳатдан фарқланувчи эколого-географик узоқ Raider-276, Lonren-1, Line-45-2-1-2-37 намуналари ҳамда улар иштирокидаги дурагайларидан фойдаланилган.

Дала тажрибаларида олинган натижаларнинг математик таҳлили Б.А.Доспехов (1985) да келтирилган услублар орқали ўтказилган. F_1 дурагайларида доминантлик кўрсаткичи Y. M. Veil ва R. E. Atkins (1965) да

келтирилган формулалар асосида аниқланган.

Диссертациянинг «**Эколого-географик ва генетик узок ҳамда турлараро дурагайлаш асосида ғўза селекцияси учун бошланғич ашё яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили**» номли учинчи бобида эколого-географик ва генетик узок ҳамда турлараро F₁-F₄ дурагайларида айрим қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши баён қилинган.

«*Нихол униб чиқиши-50% пишиши*» бўйича F₁Raider-276 х Наманган-77 (hp=-2,1), F₁Lonren-1 х Сурхон-14 (hp=-1,3), F₁Raider-276 х Сурхон-14 (hp=-1,1), F₁Line-45-2-1-2-37 х Наманган-77 (hp=-2,1) ва F₁Lonren-1 х Наманган-77 (hp=-1,3), F₁Line-45-2-1-2-37 х Сурхон-14 (hp=-1,1) комбинацияларида салбий гетерозис, яъни нисбатан тезпишарлик, қолган комбинацияларда эса, оралиқ ҳолдаги ижобий гетерозис кузатилган.

F₂ дурагайларининг белги бўйича кўрсаткичларини таҳлили асосида Lonren-1 (120 кун), Raider-276 (121 кун) намуналари ва C-6524 (119,1 кун) нави ҳамда F₂Сурхон-14 х Raider-276 (122,1 кун), F₂Сурхон-14 х Line-45-2-1-2-37 (122,4 кун), F₂Raider-276 х C-6524 (122,1 кун), F₂Lonren-1 х C-6524 (122,1 кун), F₂Lonren-1 х Сурхон-14 (122,3 кун), F₂Lonren 1 х Наманган-77 (122,4 кун), F₂Raider-276 х Наманган-77 (122,8 кун), F₂Lonren-1 х Сурхон-14 (122,4 кун), F₂C-6524 х Lonren-1 (122,4 кун) ва F₂Lonren-1 х Наманган-77 (122,4 кун) комбинациялари нисбатан тезпишарликни намоён этиши аниқланган.


Тезпишарлик бўйича F₄Сурхон-14 х Raider-276, F₄Сурхон-14 х Lonren-1, F₄Сурхон-14 х Line-45-2-1-2-37, F₄Raider-276 х Сурхон-14, F₄Raider-276 х C-6524, F₄Raider-276 х Наманган-77, F₄C-6524 х Raider-276, F₄C-6524 х Line-45-2-1-2-37 комбинациялари тезпишар ашёлар сифатида ажратиб олинди.

Бир дона кўсакдаги пахта вазни бўйича F₃Сурхон-14 х Lonren-1 (4,96 г), F₃Сурхон-14 х Line-45-2-1-2-37 (4,66 г), F₃Lonren-1 х Сурхон-14 (4,79 г) комбинациялари юқори, F₄Lonren-1 х Сурхон-14 (3,96 г) ва F₄Line-45-2-1-2-37 х Сурхон-14 (3,99 г) комбинацияларида нисбатан пастрок натижалар қайд этилди.

F₁-F₄ дурагайларида ҳосилдорлик элементларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши бўйича таҳлил натижалари йирик кўсакли Raider-276 намунаси иштирокидаги аксарият комбинацияларда бир дона кўсак вазнининг юқори бўлганлигини, *G.barbadense* L. турига мансуб Сурхон-14 нави ва майда кўсакли Lonren-1 намунаси иштирокидаги комбинацияларда, бир дона кўсакдаги пахта вазнининг нисбатан пастрок бўлганлигини кўрсатди. Жумладан, F₃Сурхон-14 х Lonren-1 (4,96 г), F₃Сурхон-14 х Line-45-2-1-2-37 (4,66 г), F₃Lonren-1 х Сурхон-14 (4,79 г) комбинациялари ҳамда F₄Lonren-1 х Сурхон-14 (3,96 г) ва F₄Line-45-2-1-2-37 х Сурхон-14 (3,99 г) комбинацияларида нисбатан майда кўсаклилик қайд этилган. Олинган натижалар асосида, Raider-276 намунаси иштирокидаги комбинациялардан бир дона кўсакдаги пахта вазнини яхшилашда генетик-селекцион тадқиқотларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги хулоса қилинган.

Ҳосилдорликнинг муҳим компонентларидан ҳисобланган 1000 дона чигит вазнининг дурагайларда ирсийланиши ва шаклланиши бўйича олинган натижалар Америка намунаси Raider-276 иштирокидаги F₄Сурхон-14 x Raider-276, F₄Raider-276 x Сурхон-14, F₄Raider-276 x C-6524, F₄Raider-276 x Наманган-77, F₄C-6524 x Raider-276, F₄Наманган-77 x Raider-276 комбинацияларида белгининг юқори эканлигини кўрсатди. Ушбу намунадан 1000 дона чигит вазнини яхшилаш борасидаги генетик-селекцион тадқиқотларда фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқлиги ҳулоса қилинган.

Тола чиқими бўйича ота-оналик сифатида иштирок этаётган намуналар ва навларнинг кўрсаткичлари 35,8 % (C-6524) дан 38,9 % (Lonren-1) гача бўлгани аниқланди (1-расмга қаранг). F₁ дурагайлари орасидан энг юқори тола чиқими F₁Сурхон-14 x Raider-276, F₁Сурхон-14 x Lonren-1, F₁Raider-276 x Сурхон-14, F₁Raider-276 x C-6524, F₁C-6524 x Raider-276, F₁C-6524 x Line-45-2-1-2-37, F₁Наманган-77 x Raider-276, F₁Lonren-1 x C-6524, F₁Line-45-2-1-2-37 x C-6524 комбинацияларида (38% дан юқори) қайд этилган.



1-расм. F₁ ўсимликларида тола чиқимининг ирсийланиши, 2010 й.

Тола чиқимининг F₁Сурхон-14 x Raider-276 (hp=7,8), F₁C-6524 x Line-45-2-1-2-37 (hp=2,8), F₁Raider-276 x Сурхон-14 (hp=2,6), F₁Raider-276 x C-6524 (hp=1,1), F₁Сурхон-14 x Lonren-1 (hp=1,0) комбинацияларида ижобий доминант ва F₁Lonren-1 x C-6524 (hp=0,7) комбинациясида оралик ирсийланиши кузатилган. Қолган комбинацияларда эса, салбий даражадаги тўлиқ доминантлик ва оралик ирсийланиш қайд этилган. Сурхон-14 нави иштирокидаги юқори авлод комбинациялари орасида тола чиқими 39 % дан юқори бўлган рекомбинантлар ажралиб чиқиши кузатилди. F₃-F₄ дурагайлари

ва бошланғич ашёлар орасидан, тола чиқими бўйича энг юқори кўрсаткич Сурхон-14 нави (39,4%), Raider-276 намунаси (38,8%), F₃Сурхон-14 х Line-45-2-1-2-37 (41,3%), F₃Raider-276 х Сурхон-14, F₃С-6524 х Raider-276, F₃Наманган-77 х Line-45-2-1-2-37, F₃Lonren-1 х Сурхон-14 комбинацияларида (39% дан юқори) кузатилган.

Эколого-географик узок F₁ дурагайларида тола узунлиги бўйича чатиштиришда иштирок этган бошланғич ашёларнинг генотипига боғлиқ равишда белгининг ирсийланиши ва кейинги авлодларда танлаш йўналишига боғлиқ равишда шаклланиши аниқланди. Белги бўйича бошланғич шакллар орасида энг юқори кўрсаткич Сурхон-14 навида (38,1 мм), нисбатан пастроқ натижа эса, Raider-276 ва Lonren-1 намуналарида (тегишли равишда 34,0 ва 34,1 мм) кузатилди. Сурхон-14 нави иштирокидаги F₂Сурхон-14 х Raider-276 (37,8 мм), F₂Сурхон-14 х Lonren-1 (37,4 мм), F₂Сурхон-14 х Line-45-2-1-2-37 (38,7 мм), F₂Raider-276 х Сурхон-14 (38,9 мм), F₂Lonren-1 х Сурхон-14 (38,0 мм), F₂Line-45-2-1-2-37 х Сурхон-14 (38,5 мм) комбинацияларида юқори тола узунлиги кузатилди. Тола узунлиги белгиси бўйича F₃ дурагайларининг кўрсаткичлари 35,3 мм (F₃Raider-276 х Наманган-77) дан 38,8 мм (F₃Сурхон-14 х Line-45-2-1-2-37) гача, F₄ авлодларда эса, 35,5 мм (F₄С-6524 х Lonren-1) дан 39,6 (F₄Line-45-2-1-2-37 х Сурхон-14) мм гача бўлганлиги аниқланди. Тола узунлиги белгисини яхшилашда Сурхон-14 навидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги хулоса қилинди.

G.barbadense L. турига мансуб Сурхон-14 навида хос толанинг майинлиги (микронейри), солиштирма узилиш кучи, бир хиллик индекси ва бошқа кўрсаткичларнинг дурагайларда юқори даражада ирсийланиши аниқланди. Яъни, Сурхон-14 нави ва Lonren-1 намуналари иштирокидаги F₃ дурагай комбинацияларида микронейр ниҳоятда майин бўлганлиги қайд этилди.

Бошланғич намуналарнинг солиштирма узилиш кучи 30,7 (С-6524) г.куч/текс дан 35,6 (Сурхон-14) г.куч/текс.гача, F₃ авлодда 30,1 (F₃Наманган-77 х Line-45-2-1-2-37) дан 36,5 г.куч/текс. (F₃Raider-276 х Сурхон-14) гача, F₄ да эса, 30,8 г.куч/текс дан 35,7 г.текс/текс (F₄Raider-276 х Наманган-77) гача бўлганлиги аниқланди.

Дурагайлашда иштирок этган ашёларнинг тола узунлиги 1,21 (С-6524) дюймдан 1,25 (Сурхон-14) дюймгача, F₃ дурагайларида 1,18 дюйм (F₃Наманган-77 х Line-45-2-1-2-37) дан 1,32 (F₃Lonren-1 х С-6524) гача, F₄ дурагайларида эса, 1,19 (F₄Наманган-77 х Line-45-2-1-2-37) дюймдан 1,32 (F₄Сурхон-14 х Raider-276 ва F₄Сурхон-14 х Line-45-2-1-2-37) дюймгача бўлганлиги қайд этилган.

Толанинг бир хиллилик индекси 85,2% (Line-45-2-1-2-37) дан 88,1% (Raider-276) гача, F₃ да 84,1% (F₃Сурхон-14 х Raider-276) 89,1 дан (F₃Lonren-1 х Наманган-77)% гача, F₄ да 85,5% (F₄Line-45-2-1-2-37 х С-6524) дан 88,9% (F₄Сурхон-14 х Raider-276) гача бўлгани аниқланди.

Пишиб этилганлик коэффиценти нав ва намуналарда 85,3 (Raider-276) дан 87,7 (Наманган-77) гача, 84,1 (F₃С-6524 х Line-45-2-1-2-37) дан 88,2

(F₃Наманган-77 х Lonren-1) гача, F₄ ўсимликларларида эса, 84,5 (F₄Lonren-1 х C-6524) дан 88,1 (F₄Line-45-2-1-2-37 х Сурхон-14) гача эканлиги қайд этилган.

Толанинг йигирувчанлик қобиляти 146 (Сурхон-14) дан 179 (Raider-276) гача, F₃ ўсимликларида 145 (F₃Line-45-2-1-2-37 х Наманган-77) дан 175 (F₃Lonren-1 х Сурхон-14) гача, F₄ ўсимликларида эса, 148 (F₄Наманган-77 х Line-45-2-1-2-37) дан 180 (F₄Сурхон-14 х Lonren-1) гача бўлганлиги аниқланди.

Нав ва намуналарнинг вертициллёз вилт билан умумий даражада 9,1% дан 50,0% гача, F₁ дурагайлари эса, 17,6% (F₁C-6524 х Lonren-1) дан 65,6% (F₁Line-45-2-1-2-37 х C-6524) гача зарарланиши қайд этилган. Кучли даражада зарарланиш нав ва намуналарда 3,6% (Сурхон-14) дан 38% (C-6524) гача, F₁ ўсимликларида 8% (F₁Сурхон-14 х Raider-276) дан 35,2% (F₁Lonren-1 х Сурхон-14) гача бўлганлиги кузатилган. Вилтга бардошлиликнинг F₁Raider-276 х Наманган-77 (hp=-26,3), F₁Наманган-77 х Raider-276 (hp=-5,3) ва F₁Сурхон-14 х Raider-276 (hp=-1,2) комбинацияларида салбий гетерозис, F₁C-6524 х Raider-276 (hp=-0,1) F₁C-6524 х Lonren-1 (hp=-0,9) ва F₁C-6524 х Line-45-2-1-2-37 (hp=-0,5) комбинацияларида салбий оралик даражадаги ирсийланиши, яъни вилтга бардошлилиги қайд этилган. Вертициллёз вилт билан зарарланиш F₃ дурагайларида 9,2% (F₃Сурхон-14 х Raider-276) дан 46,6% (F₃Сурхон-14 х Line-45-2-1-2-37) гача, F₄ дурагайларида эса, 8 % (F₄Сурхон-14 х Raider-276) дан 34,2% (F₄Наманган-77 х Line-45-2-1-2-37) гача бўлди. F₃Raider-276 х C-6524 ва F₄Raider-276 х Сурхон-14 дурагайлари умумий даражада, F₄Сурхон-14 х Raider-276 комбинацияси эса, кучли даражада кам зарарлангани аниқланди. F₃Raider-276 х C-6524 ва F₄Raider-276 х Сурхон-14 комбинациялари вилтнинг умумий даражасига, F₄Сурхон-14 х Raider-276 комбинацияси эса, кучли даражасига бардошли комбинациялар сифатида ажратиб олинди.

Эколого-географик ва генетик узоқ F₁-F₄ дурагайларида ҳосилдорлик элементлари, тола чиқими, тола узунлиги ва тола сифати кўрсаткичлари ҳамда вертициллёз вилтга толерантликнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланишини ўрганиш асосида ушбу белгиларнинг ота-она генотипларига ҳамда танлаш йўналишига боғлиқ ҳолда шаклланиши аниқланди. Шунингдек, Raider-276 намунасида бир дона кўсакдаги пахта вазнини, Сурхон-14 навидан эса, тола узунлигини яхшилашда ота-оналик шакллари сифатида генетик-селекцион тадқиқотларда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги хулоса қилинди.

Диссертациянинг «**Эколого-географик ва генетик узоқ ҳамда турлараро дурагайларда айрим қимматли хўжалик белгилари бўйича коррелятив боғлиқликлар**» номли тўртинчи бобида F₂ ўсимликларида тезпишарлик ва вертициллёз вилтга бардошлилик белгилари, тола чиқими ва тола узунлиги белгилари, 1000 дона чигит вазни ва тола чиқими ўртасидаги боғлиқликлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Тезпишарлик ва вилтга бардошлилик белгилари ўртасидаги коррелятив боғлиқликлар F₂Line-45-2-1-2-37 х Сурхон-14 (r=0,98), F₂C-6524 х Line-45-2-

1-2-37 ($r=0,78$) кучли ижобий, F_2 Наманган-77 х Raider-276 ($r=0,34$) комбинациясида ўртача кучсиз ижобий, F_2 Наманган-77 х Line-45-2-1-2-37 ($r=0,25$), F_2 Lonren-1 х C-6524 ($r=0,17$), F_2 Raider-276 х C-6524 ($r=0,01$) ва F_2 Наманган-77 х Line-45-2-1-2-37 ($r=0,25$) F_2 C-6524 х Lonren-1 ($r=0,07$), F_2 Raider-276 х C-6524 ($r=0,11$) ва F_2 Сурхон-14 х Lonren-1 ($r=0,03$) комбинацияларида эса, кучсиз ижобий эканлиги қайд этилди.

Тола чиқими ва тола узунлиги ўртасида F_2 C-6524 х Lonren-1 комбинациясида ($r=0,64$) ўрта ижобий, F_2 Сурхон-14 х Raider-276, F_2 C-6524 х Raider-276, F_2 Наманган-77 х Lonren-1, F_2 Наманган-77 х Line-45-2-1-2-37, F_2 Lonren-1 х Сурхон-14 ва F_2 Lonren-1 х C-6524 комбинацияларида кучсиз (тегишли равишда, $r= 0,16; 0,25; 0,30; 0,13; 0,02; 0,07$) ижобий боғлиқлик кузатилди. 1000 дона чигит вазни ва тола чиқими ўртасида F_2 C-6524 х Lonren-1 комбинациясида кучли даражадаги ижобий ($r=0,69$), F_2 Сурхон-14 х Raider-276, F_2 Наманган-77 х Raider-276, F_2 Наманган-77 х Lonren-1, F_2 Наманган-77 х Line-45-2-1-2-37, F_2 Lonren-1 х Сурхон-14, F_2 Lonren-1 х C-6524, F_2 Lonren-1 х Наманган-77, F_2 Line-45-2-1-2-37 х Сурхон-14 ва F_2 Line-45-2-1-2-37 х Наманган-77 комбинацияларида эса, кучсиз ижобий боғлиқлик кузатилди. Яъни, улар орасидан танловлар натижасида тола чиқими ва 1000 дона чигит вазни юқори бўлган рекомбинантлар ажратиб олиш имконияти мавжудлиги аниқланди.

Олинган натижалар асосида тола чиқими, тола узунлиги, 1000 дона чигит вазнинини яхшилашда ижобий коррелятив боғлиқликка эга бўлган F_2 C-6524 х Lonren-1 дурагайдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги хулоса қилинди.

Тезпишарлик ва вилтга бардошлилик ўртасидаги коррелятив боғлиқлик F_2 C-6524 х Line-45-2-1-2-37 комбинациясида кучли ижобий ($r=0,78$) бўлса, қолган F_2 C-6524 х Lonren ($r=0,07$), F_2 Raider-276 х C-6524 ($r=0,11$) ва F_2 Сурхон-14 х Lonren-1 ($r=0,03$) комбинацияларида кучсиз ижобий эканлиги аниқланган.

Тезпишарлик ва вилтга бардошлилик ўртасида кучли ижобий боғлиқлик F_2 Line-45-2-1-2-37 х Сурхон-14 ($r=0,98$) комбинациясида, ўртача боғлиқлик F_2 Наманган-77 х Raider-276 ($r=0,34$) комбинациясида, кучсиз ижобий боғлиқликлар F_2 Наманган-77 х Line-45-2-1-2-37 ($r=0,25$), F_2 Lonren-1 х C-6524 ($r=0,17$), F_2 Raider-276 х C-6524 ($r=0,01$) ва F_2 Наманган-77 х Line-45-2-1-2-37 ($r=0,25$) комбинацияларида қайд этилди. Тадқиқотлар асосида бир пайтнинг ўзида ҳам тезпишар ҳам вилтга бардошли бўлган ашёларни ажратиб олиш имконияти мавжудлиги аниқланди. Ажратиб олинган оилаларда тола узунлиги ва тола чиқими ўртасида, асосан ўртача ва кучсиз ижобий боғлиқликлар борлиги кузатилди. Фақатгина эколого-географик узоқ дурагайлаш орқали яратилган F_2 C-6524 х Lonren-1 комбинациясида ушбу белгилар ўртасида ўртача ижобий боғлиқлик мавжудлиги қайд этилди. F_2 C-6524 х Lonren-1, F_2 Сурхон-14 х Raider-276 комбинацияларини бир пайтнинг ўзида 1000 дона чигит вазни ва тола чиқими юқори бўлган ашёлар яратиш борасидаги генетик-селекцион тадқиқотларга жалб этиш мумкинлиги хулоса қилинди.

Диссертациянинг «Янги яратилган ғўза оилалари ва тизмаларининг селекциядаги аҳамияти» деб номланган бешинчи бобида эколого-географик узоқ дурагайлаш асосида ажратиб олинган селекцион ашёларда қимматли хўжалик белгиларининг шаклланиши бўйича кўрсаткичлари келтирилган. Тадқиқот ашёларининг толасини сифат кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси «Сифат» Марказида таҳлилдан ўтказилган (2-жадвалга қаранг). Микронейр кўрсаткичи асосий қимматли хўжалик белгиларидан бири ҳисобланади. Ўрта толали ғўза навларида микронейр кўрсаткичи 3,9 дан 4,8 гача ораликда бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ажратиб олинган оилаларнинг микронейри талаб даражасида бўлганлиги, яъни 4,0 (О-1/2014, О-12/2014, О-18/2014) дан 4,9 (О-4/2014) гача бўлган натижалар қайд этилган.

Яратилган янги ғўза оилалари толасининг солиштирма узилиш узунлиги 30,6 г.куч/текс (О-4/2014) дан 34,2 г.куч/текс (О-9/2013) гача, тола узунлиги бўйича эса, 1,13 (О-3/2013) дюймдан 1,21 (О-2/2013) дюймгача бўлган натижалар қайд этилган.

Чатиштиришларда иштирок этган Сурхон-14 нави ва Lonren намунаси ҳамда улар иштирокидаги дурагайлардан ажратиб олинган оилалардан толанинг сифат кўрсаткичларини яхшилашда селекция жараёнларида фойдаланиш мумкинлиги келтирилган. Толанинг технологик кўрсаткичлари бўйича олинган маълумотлар асосида ота-она генотипига боғлиқ равишда шаклланиши хулоса қилинди.

2-жадвал

Оилаларда тола сифати кўрсаткичларининг шаклланиши


	Оила №	Оилаларнинг келиб чиқиши	Mic	Str	Len
1	О-1/2014	F ₄ Сурхон-14 х Raider-276	4.0	30.7	1.14
2	О-2/2013	F ₃ Сурхон-14 х Lonren-1	4.1	33.2	1.21
3	О-3/2013	F ₃ Сурхон-14 х Line-45-2-1-2-37	4.3	31.6	1.13
4	О-4/2014	F ₄ Raider-276 х Сурхон-14	4.9	30.6	1.19
5	О-6/2014	F ₄ Raider-276 х Наманган-77	4.8	31.2	1.15
6	О-7/2013	F ₃ С-6524 х Raider-276	4.8	30.9	1.16
7	О-8/2014	F ₄ С-6524 х Line-45-2-1-2-37	4.3	31.0	1.19
8	О-9/2013	F ₃ С-6524 х Lonren-1	4.6	34.2	1.17
9	О-10/2013	F ₃ Наманган-77 х Raider-276	4.1	30.9	1.18
10	О-11/2014	F ₄ Наманган-77 х Lonren-1	4.3	30.5	1.15
11	О-12/2014	F ₄ Наманган-77 х Line-45-2-1-2-37	4.0	33.2	1.20
12	О-14/2013	F ₃ Lonren-1 х С-6524	4.6	32.0	1.16
13	О-15/2014	F ₄ Lonren-1 х Наманган-77	4.3	31.6	1.19
14	О-16/2014	F ₄ Line-45-2-1-2-37 х Сурхон-14	4.1	31.9	1.18
15	О-17/2013	F ₃ Line-45-2-1-2-37 х С-6524	4.6	30.8	1.16
16	О-18/2014	F ₄ Line-45-2-1-2-37 х Наманган-77	4.0	30.9	1.20
17	Андоза	С-6524	4.4	32.8	1.18

Ѓўзанинг янги Т-240/41 тизмаси 2019 йилда кичик нав синовида IV-типга мансуб андоза С-6524 навидан тезпишарлиги бўйича 2 кун, пахта ҳосилдорлиги бўйича 1,9 ц/га, тола ҳосилдорлиги бўйича 116,3% га, битта кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича 0,7 г. гача устунлик қилганлиги аниқланган (2-расмга қаранг).

Ѓўзанинг янги Т-391/92 тизмаси эса, IV-типга мансуб андоза С-6524 навидан тезпишарлиги бўйича 5 кун, пахта ҳосилдорлиги бўйича 3,8 ц/га, тола ҳосилдорлиги бўйича 119,4%, битта кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича 0,9 г. ҳамда тола чиқими белгиси бўйича 1,8% га устунлик қилган.

Тадқиқотлар асосида ғўзанинг янги «Рақобат» нави яратилган (2-жадвал). 2019 йилда катта нав синовида андоза С-6524 навидан тезпишарлиги бўйича 3 кун, пахта ҳосилдорлиги бўйича 4,8-5,2 ц/га, тола ҳосилдорлиги бўйича 2,5-3,0 ц/га, битта кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича 1,3 г. га устунлик қилганлиги аниқланди.

КИЧИК НАВ СИНАШ КЎЧАТЗОРИДА ЎРГАНИЛГАН ТИЗМАЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ, 2019 Й.



2-расм. Кичик нав синови натижалари

«Рақобат» нави толасининг технологик кўрсаткичлари ғўзанинг IV-типга мансуб андоза С-6524 навига нисбатан қиёсий таҳлил қилинганда, толани узилиш кучи ва тола узунлиги белгилари бўйича андоза нав даражасида (34,3 гк/текс ва 1,25 дюйм); тола чиқими ва микронеёр (толанинг майинлиги ва ҳаво ўтказувчанлик даражаси) кўрсаткичлари бўйича эса, андоза С-6524 навига нисбатан устунликни (тегишли равишда-38,2% ва 4,5 мис) намоён этганлиги аниқланган.

Катта нав синаш кўчатзориди ўрганилган янги Рақобат ғўза навининг қимматли-хўжалик белгилари бўйича кўрсаткичлари, 2019 й.

Навлар	Ўсимлик бўйи, см	Тезпишарлиги, Кун	Пахта ҳосилдор лиги, ц/га	Тола ҳосилдорлиги ц/га	Битта кўсақдаги пахта вазни, г	Толани узилиш кучи, гк/текс	Тола чиқими, %	Тола узунлиги, дюйм	Микронейр (mic)
C-6524 (St)	112	112	30,2	10,3	6,0	30,6	35,5	1,18	4,5
Рақобат	115	109	36,3	13,8	7,3	33,4	38,2	1,25	4,4
ЭКФ _{0,5} =	1,0	2,0	2,46	1,15	0,65	0,02	1,99	0,01	0,1

ХУЛОСАЛАР

1. Турлараро, эколого-географик ва генетик узоқ дурагайларнинг F₁ авлодида «ниҳол униб чиқиши -50% гуллаш» даври бўйича салбий ва ижобий оралик ёки гетерозис, «ниҳол униб чиқиши -50% пишиш» даври бўйича эса, асосан салбий ва ижобий гетерозис тарздаги ирсийланиш юз бериши аниқланди. «Ниҳол униб чиқиши -50% гуллаш» даври бўйича F₂-F₃ авлоддан, «ниҳол униб чиқиши -50% пишиш» даври бўйича эса, F₄ авлоддан бошлаб тезпишар оилаларни ажратиб олиш ҳамда белгини яхшилаш мумкинлиги тасдиқланди.

2. Тадқиқотлар асосида ўрганилган дурагайларнинг F₁ авлодида бир дона кўсақ вазнининг ижобий доминант ва оралик тарзда ирсийланиши, F₂-F₃ авлоддан бошлаб эса, аксарият комбинацияларда белги бўйича ижобий трансгрессия юз бериши ҳамда юқори 1 дона кўсақдаги пахта вазнига эга рекомбинантларни танлаш бўйича селекция ишларининг самарали эканлиги аниқланди.

3. Турлараро, эколого-географик ва генетик узоқ дурагайлашда 1000 дона чигит вазни бўйича тўлиқ доминант тарздаги ирсийланиш, F₂ авлодда белги бўйича асосан ижобий ва айрим ҳолларда салбий трансгрессия юз бериши, F₃-F₄ авлоддан бошлаб эса, танлаш йўналишига боғлиқ равишда, бошланғич намуналарга нисбатан паст ҳамда юқори чигит вазнига эга бўлган ғўза оилаларини ажратиб олиш мумкинлиги аниқланди.

4. Тола чиқими бўйича дурагайлашда иштирок этган бошланғич шаклларнинг генотипига боғлиқ равишда дурагайларнинг F₁ авлодида асосан ижобий гетерозис ёки оралик ирсийланиш, F₂ авлоддан бошлаб кенг ўзгарувчанлик юз бериши ҳамда тола чиқими 39%-41,3% гача бўлган

рекомбинантларни танлаш ва оила ҳолида ўрганиш орқали тола чиқими белгисини яхшилаш мумкинлиги тасдиқланди.

5. Турлараро, эколого-географик ва генетик узоқ дурагайларнинг F_1 авлодида тола узунлиги аксарият комбинацияларда бошланғич шакллар даражасида ёки нисбатан устун тарзда ирсийланиши, F_2 да салбий трансгрессия юз бериши ҳамда F_3 дан бошлаб бошланғич намуналарга нисбатан устун бўлган селекцион ашёларни ажратиб олиш мумкинлиги аниқланди.

6. Эколого-географик ва генетик узоқ дурагайлаш услуби айниқса, турлараро дурагайлаш услубининг тола сифатини белгиловчи микронейри, тола узунлиги, узулиш узунлиги, бир хиллик индекси ва толанинг йигирувчанлик қобиляти каби кўрсаткичларни яхшилашда ҳамда ушбу белгиларнинг ижобий мажмуасига эга селекцион ашёларни яратишда самарали эканлиги тасдиқланди.

7. Турлараро ҳамда эколого-географик ва генетик узоқ шаклларни ўзаро чатиштиришдан олинган дурагайларни вертицеллёз вилт билан табиий зарарланган муҳитда ўрганиш ҳамда нисбатан бардошли рекомбинантларни танлаш орқали F_3 - F_4 авлоддан бошлаб, бошланғич намуналарга нисбатан вилтга бардошлилиги юқори бўлган селекцион ашёларни ажратиб олиш мумкинлиги аниқланди.

8. F_2 дурагайларида тезпишарлик ва вилтга бардошлилик белгилари ўртасида кучли ижобий боғлиқлик ҳамда кучли даражадаги салбий боғлиқликлар, ажратиб олинган оилаларда тола узунлиги ва тола чиқими ўртасида, ўртача ва кучсиз салбий боғлиқликлар бор эканлиги аниқланди ҳамда ижобий рекомбинантларни танлаш орқали ушбу белгиларнинг юқори даражадаги ижобий мажмуасига эга бўлган селекцион ашёларни яратиш мумкинлиги тасдиқланди.

9. Тола чиқими, тола узунлиги, 1000 дона чигит вазнинини яхшилашда ижобий коррелятив боғлиқликка эга бўлган F_2 C-6524 х Lonren-1 комбинациясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

10. Экилаётган ғўза навларининг хўжалик учун қимматли белгиларини яхшилаш ҳамда уларнинг юқори даражадаги ижобий мажмуасига эга селекцион ашёларни яратишда турлараро ҳамда эколого-географик ва генетик узоқ дурагайлаш услубидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

11. Турлараро ҳамда эколого-географик ва генетик узоқ дурагайлаш усулларини қўллаш орқали яратилган Т-240/41, Т-391/92 тизмаларидан, О-1/2014, О-2/2013, О-12/2014, О-13/2014, О-14/2013, О-15/2014, О-16/2014 ва О-17/2013 ғўза оилаларидан амалий селекция жараёнида бошланғич ашё сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

12. Янги яратилган О-1/2014, О-5/2014 ва О-8/2014 оилаларини бир дона кўсақдаги пахта вазни, О-4/2014, О-5/2014 ва О-14/2013 оилалари ҳамда Т-240/41 тизмасидан 1000 дона чигит вазни, О-16/2014, О-4/2014, О-17/2013, О-18/2014, О-1/2014, О-2/2013 оилалари ҳамда Т-240/41 тизмаси тола чиқими, О-1/2014, О-2/2013, О-12/2014 ва О-9/2013 оилалари толанинг

технологик кўрсаткичлари бўйича генетик-селекцион изланишларга бошланғич ашё сифатида тавсия этилади.

13. Институтнинг катта нав синовида ижобий натижалар кўрсатган юқори ҳосилдор, тезпишар, вертициллёз вилт касаллигига бардошли ва тола сифати юқори бўлган ўрта толали “Рақобат” ғўза навини турли тупроқ-иқлим шароитларда кенг синовини ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХАМИДУЛЛАЕВ ТОХИР ХАМИДУЛЛА УГЛИ

**СОЗДАНИЕ ИСХОДНОГО МАТЕРИАЛА НА ОСНОВЕ ОТДАЛЁННОЙ
ЭКОЛОГО-ГЕОГРАФИЧЕСКОЙ ГИБРИДИЗАЦИИ ДЛЯ СЕЛЕКЦИИ
ХЛОПЧАТНИКА**

06.01.05-Селекция и семеноводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/Qx411.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русской, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: Намазов Шадман Эргашович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: Мамарахимов Бунёд Икрамович
доктор сельскохозяйственных наук
Рашидова Дилбар Каримовна
доктор сельскохозяйственных наук, с.н.с.

Ведущая организация: Научно-исследовательский институт
генетических ресурсов растений

Защита диссертации состоится «28» января 2021 года в 13³⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.06.2019.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 700140, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного института, 1 этаж, конференц - зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером №542204). Адрес: 700140, Ташкент, ул. Университетская, 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан « 15 » января 2021 года.
(Реестр протокола рассылки № 05.1 от « 26 » ноября 2020 года).



Б.А.Сулаймонов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.б.н.,
академик

Я.Х.Юлдашев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
к.с.н., профессор

Э.Т.Бердиев
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.с/х.н.

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/Qx411.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русской, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Намазов Шадман Эргашович**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мамарахимов Бунёд Икрамович**
доктор сельскохозяйственных наук
Рашидова Дилбар Каримовна
доктор сельскохозяйственных наук, с.н.с.

Ведущая организация: **Научно-исследовательский институт генетических ресурсов растений**

Защита диссертации состоится «28» января 2021 года в 13³⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.06.2019.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 700140, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного института, 1 этаж, конференц - зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером №542204). Адрес: 700140, Ташкент, ул. Университетская, 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан « 15 » января 2021 года.
(Реестр протокола рассылки № 05.1 от « 26 » ноября 2020 года).

Б.А.Сулаймонов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик.

Я.Х.Юлдашов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с/х.н., профессор

Э.Т.Бердиев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с/х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Среди свыше 100 стран-производителей хлопка в мире¹ Узбекистан занимает 6-е место по площади хлопчатника, а по урожайности волокна 10-е место (0,75 т/га)². Высеваемые в настоящее время в производстве большинство сортов хлопчатника созданы путем скрещивания между собой генетически близких сортов и по некоторым хозяйственно-ценным признакам полностью не отвечают требованиям сегодняшнего дня. Поэтому от селекционеров требуется решение такой актуальной проблемы как создание приспособленных к возделыванию в различных почвенно-климатических условиях, скороспелых, толерантных к болезням и вредителям новых сортов хлопчатника с высокой урожайностью и высоким качеством волокна.

В результате осуществленных широких исследований в ведущих научно-исследовательских центрах USDA-ARS, Crop Germplasm Unit, Central Institute for Cotton Research по использованию генетического потенциала культивируемых видов *G.hirsutum* L., *G.barbadense* L., а также диких и полудиких видов коллекции хлопчатника, выявлены новые доноры с комплексом положительных генов. В настоящее время актуальным является изучение генетически обогащенных селекционных материалов, на основе привлечения коллекционных образцов в гибридизацию.

В республике осуществляются широкомасштабные реформы, направленные на модернизацию сельского хозяйства. Несмотря на это задача сохранения урожайности, не расширяя площади посева хлопчатника, остается актуальной. В третьем приоритетном направлении Указа Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы» отдельное внимание уделяется развитию сельского хозяйства, особенно хлопководства, перед которой поставлены задачи «расширения научно-исследовательских работ по созданию и внедрению новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур с высокой продуктивностью, устойчивостью к болезням и вредителям, приспособленных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям»³.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлением задач, указанных в Законе Республики Узбекистан «О селекционных достижениях» и Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 29 декабря 2015 года за №ПП-2460 «О мерах по дальнейшей реформе и развитию сельского хозяйства в 2016-2020 годах», а также в Постановлении №ПП-3281 от 15 сентября 2017 года «О мерах по рациональному размещению сельскохозяйственных культур и прогнозных объемах производства сельскохозяйственной продукции», а также других нормативно-правовых документах по данной деятельности.

¹Cotton: Tecnology for 21st Century, 2010

²FAS/USDA, Global Market Analysis, 2020

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харақатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в республике V. «Сельское хозяйство, биотехнологии и защита окружающей среды».

